



## Ислом Нури

Кафоат ёки куфълик луғатда тенглик, баробарлик маъносини билдиради. Бу ердаги кафоатдан мурод – эр-хотиннинг беш нарсада тенг, бир хил бўлишидир:

1. Динда. Фожир ва фосиқ кимса афифа аёлга тенг бўлмайди. Чунки, унинг гувоҳлиги ва қилган ривояти ўтмайди, бу эса инсонийлигидаги нуқсонидир.
2. Насабда. Ажамий (яъни, араб бўлмаган киши) арабияга куфъ бўлмайди<sup>[1]</sup>.
3. Озодликда. Қул ва қисман озод бўлган қул озод аёлга куфъ бўлмайди, чунки қуллик туфайли нуқсонлидир.
4. Касб-ҳунарда. Ҳажжом (қон олувчи), тўқувчи каби паст касб эгаси тожир каби юқори касб эгасининг қизига куфъ эмас.
5. Фарз бўлган маҳр ва нафақа миқдорида молга эга бўлиш. Қашшоқ одам бадавлат аёлга куфъ бўлмайди. Чунки, унинг қашшоқлиги туфайли нафақа бермаслигида у аёлга зарар бордир.

Агар эр-хотиндан бири ушбу бешта ишдан бирида бир-биридан фарқли бўлса, кафоат бўлмаган бўлади. Лекин, бу никоҳнинг саҳиҳлигига таъсир қилмайди. Чунки, никоҳ саҳиҳ бўлиши учун кафоат шарт эмас. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам Фотима бинт Қайс розияллоҳу анҳони Усома ибн Зайд розияллоҳу анҳуга никоҳланишга буюрганлар, у зотнинг буйруқлари билан у Усомага никоҳланган (Муслим (1480) Фотима бинт Қайс розияллоҳу анҳодан ривоят қилган). Бироқ, кафоат никоҳнинг лозим бўлиши учун шартдир. Аёл ёки унинг валийси агар рози бўлмаса, никоҳни бузишга ҳақли бўладилар. Чунки, бир киши ўзининг паст даражасини шу билан кўтариб олиш учун қизини биродарининг ўғлига берганида Набий соллаллоҳу алайҳи ва



## Ислом Нури

саллам ихтиёрни қизга берганлар (Насойй 93269), Ибн Можа (1874), Аҳмад (6/136, №25043) Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилганлар).

Шайхулислом Ибн Таймия раҳимаҳуллоҳ айтади: «Имом Аҳмад айтган гапнинг тақозосига кўра, кишининг куфъ эмаслиги маълум бўлса, улар ўртаси ажратиб юборилади. Валий аёл кишини куфъ бўлмаганга узатиши мумкин эмас. Эркак киши ҳам ўзига куфъ бўлмаганга уйланмайди. Кафоат аёлнинг маҳрига ўхшаган молиявий ишлардан эмаски, аёл ва унинг валийлари истасалар талаб қилиб, истасалар тарк қилсалар. Кафоат эътибор қилиниши лойиқ бўлган ишдир» (Ал-фатавал-кубро: 4/533).

<sup>[1]</sup> Ибнул Қаййим

раҳимаҳуллоҳ «Зодул Маодда» ёзади: «Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг

ҳукмлари тенгликда динни асли ва камоли жиҳатидан эътибор қилишларидир. Муслима

кофирга берилмайди, афифа фожирга берилмайди. Қуръон ва Суннат тенгликда бундан

бошқа нарсани эътиборга олмади. У муслимани ифлос зинокорга никоҳланишини ҳаром

қилди. Насабни (араб ёки ажамликни), ҳунарни, бойликни, ҳурриятни тенгликда

эътиборга олмади. Агар қул афиф мусулмон бўлса, Ислом унга озод, насабли, молдор

аёлга уйланишга рухсат берди. Қурайшлик бўлмаганларга қурайшлик аёлларга

уйланишга, ҳошимий бўлмаганларга ҳошимийя аёлларга уйланишга, фақирлар учун



Ислом Нури

Никоҳдаги кафоат (тенглик) ҳақидаги боб | 3

бадавлат аёлларга уйланишга рухсат берди. (Зодул Маод: 5/160)